



13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

**РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРГА
ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЛОГОПЕДИК ЁРДАМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ: МУАММОЛАР
ВА ЕЧИМЛАР**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.97.73.005>

Мўминова Лола Рахимовна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Шорахмедова Сурайё Камиловна,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мустақил
изланувчиси

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда оғир нутқ нуқсонига эга бўлган болаларга логопедик ёрдамни ташкил этиш тизими, муаммолари ва логопедлар малакасини оширишдаги қийинчиликлар ва уларни ечими қисман ёритилган. Бугунги кунда мамлакатимизда нутқ нуқсонларига эга болаларга кўрсатиладиган ёрдам тизими яратилган бўлиб, мазкур тизим доимий такомиллашиб бормоқда. Логопедик ёрдам хусусий секторда таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишида амалга оширилмоқда. Нутқ нуқсонига эга бўлган болалар тоифалари таркибига кўра полимиорф бўлиб, улар турли-тумандир. Нутқ нуқсонлари турлича этиология ва патогенезга эга бўлиб, бирламчи нуқсонлар билан бир қаторда иккиламчи нуқсонлар ҳам кузатилиши мумкин.

Калит сўзлар: ташкил этиш, логопедик ёрдам, камчиликлар, болалар, нутқ, оғир нутқ нуқсонлари, такомиллаштириш, тизим, таълим ва соғлиқни сақлаш, хусусий сектор.

**ОРГАНИЗАЦИЯ СОВРЕМЕННОЙ ЛОГОПЕДИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ ДЕТЯМ
И ВЗРОСЛЫМ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ В ИХ РАЗВИТИИ:
ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ**

Муминова Лола Рахимовна,
доктор педагогических наук, профессор

Шорахмедова Сурайё Камиловна,
самостоятельный соискатель Тошкентского государственного университета
имени Низами

Аннотация: В статье описывается организация логопедической помощи детям с тяжелыми нарушениями речи в Узбекистане. В настоящее время в нашей стране создана и постоянно совершенствуется система помощи детям с речевой патологией. Логопедическая помощь осуществляется по линии образования и здравоохранения в частном секторе. Категория детей с нарушениями речи полиморфна по своему составу и весьма многочисленна. Нарушения речи имеют различную этиологию и патогенез, в структуре дефекта могут выступать как первичные, так и вторичные нарушения.

Ключевые слова: организация, логопедическая помощь, дети, речь, тяжелые нарушения речи, совершенствование, система, образования и здравоохранения, частный сектор,

**ORGANIZATION OF MODERN SPEECH THERAPY ASSISTANCE TO
CHILDREN AND ADULTS WITH DISABILITIES IN THEIR DEVELOPMENT:
PROBLEMS AND SOLUTIONS**

Muminova Lola Raximovna,

Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

Shoraxmedova Surayyo Kamilovna,

independent candidate of Tashkent State University named after Nizami

Abstract: The article describes the organization of speech therapy for children with severe speech disorders in Uzbekistan. Currently, a system of assistance to children with speech pathology has been created and is constantly being improved in our country. Speech therapy is provided through education and healthcare in the private sector. The category of children with speech disorders is polymorphic in its composition and very numerous. Speech disorders have different etiology and pathogenesis, both primary and secondary disorders can appear in the structure of the defect.

Keywords: organization, speech therapy, children, speech, severe speech disorders, improvement, system, education and healthcare, private sector,

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида нутқида нуқсонли бўлган болаларга логопедик ёрдам кўрсатишнинг ҳудудий тизимини ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишларини белгилаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Давлат ва жамият тараққиёти, унинг истиқболи шу давлат, шу мамлакатда яшовчи фуқароларнинг жисмонан бақувват ва руҳан соғлом бўлиши билан белгиланади. Яхши орзу-умидлар билан кутилаётган фарзанднинг носоғлом, ногирон туғилиши эса ҳар қандай оила учун жожеадир. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган даврни сарҳисоб қилсак, ҳукуватимиз томонидан инсон манфаатларини кўзлаш ва ҳимоялаш жараёнида жамиятимизнинг алоҳида ёрдамга муҳтож қатламига жиддий эътибор қаратиб келинаётганини кузатамиз, натижаларида ҳам янги Ўзбекистон бу борада ўзига хос ютуқларга эришаётган давлатлардан бири эканлиги кўрсатилади [1,2,3,4,5,6,7,8].

Ҳар бир мамлакатда амалга оширилаётган таълим-тарбия тизими негизда муайян мақсадлар ётади. Истиқлол вазифалари эса бугунги кунда махсус ва инклюзив таълим-тарбия тизими мазмунини янгилашни талаб этади[2,5]. Бу, ўз навбатида, коррекцион-ривожлантирувчи таълим- тарбия билан оилавий тарбияни мазмунан узвий боғлаш заруратини келтириб чиқаради. Махсус педагогика умумий педагогиканинг таркибий қисми бўлганлиги учун, бу вазифалар ушбу соҳанинг ҳам устувор вазифаларига айландики, уларнинг амалга оширилиши махсус педагогикани оилавий тарбия ва педагогик тарбия билан узвий боғлашнинг янги усул ва йўллариини излаб топиш, бу йўлда илмий-назарий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Республика шароитида логопедик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришни ўрганишга бўлган кизиқиш қатор омиллар билан шартланади. Нутқий нуқсонлар мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар психожисмоний ривожланишининг нисбатан кенг тарқалган муаммоларидан бири бўлиб қолаётганини эътиборга олиб, бу мактабгача ва мактаб ёшидаги аҳолининг катта қисмини қамраб олишни талаб этади. Нутқида нуқсонли бўлган болаларга логопедик ёрдам кўрсатишга доир ишлар турли идоравий бўйсинувдаги муассасалар томонидан амалга оширилишига қарамай, уларнинг ҳагги-ҳаракатлари аксарият ҳолатларда ўзаро мос келмайди. Бу логопедик ёрдамни ягона коррекцион муҳит йўналишида такомиллаштириш заруратини туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бўлгани каби, таълим



тизимида ҳам логопедик ёрдамни ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда: нутқ нуқсонига эга бўлган шахсларни аниқлаш, нутқ нуқсонларини олдини олиш ва коррекцион-тарбиявий таъсир кўрсатишнинг маълум тизими шаклланди. Соғлиқни сақлаш тизимида: Тиббий Академия (ТА) қошидаги Республика ихтисослаштирилган эшитиш патологияси маркази, вилоят реабилитация марказлари, оилавий поликлиникалар ва психоневрологик диспансерлар қошида ташкил этилган логопедик кабинетлар, психоневрологик шифохона ва санаториялар, стационарлар қошидаги логопедик кабинетларда, шунингдек, болалар уйларида логопед лавозими жорий этилган.

Юқорида келтирилган соғлиқни сақлаш тизимига қаршли хизматлар таълим муассасалари билан узвий алоқа ва ҳамкорликни амалга оширади (мактабгача таълим ташкилотлари қошидаги махсус гуруҳлар, ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган логопедик пунктлар, ихтисослаштирилган мактаблар). Координация вазифасини ТППК амалга оширади.

Замонавий босқичда Россия ва хорижда махсус таълим ривожланишини тадқиқ қилиш натижалари болаларга логопедик ёрдам кўрсатишнинг ривожланган тизими мавжудлигини кўрсатди. Бироқ, мутахассислар алоҳида ҳудудларда логопедик ёрдам тизимини ташкил этишни ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб ривожлантириш зарурияти мавжудлигини, ҳудудларда логопедик ёрдамни кўрсатишнинг янги шакллари излаш ва унинг самарадорлигини ошириш муаммоси долзарблигича қолаётганини қайд этмоқдалар[9,10,11.].

Тадқиқотлар кўплаб ҳудудларда логопедик ёрдам махсус логопедик билимларга эга бўлмаган логопед-ўқитувчилар томонидан кўрсатилишини, таълим муассасаларининг логопедик гуруҳларида фаолиятини амалга оширувчи аксарият тарбиячилар нутқ нуқсонлари борасида етарли билимларга эга эмасликларини кўрсатди[18,19.].Бундай ҳолатлар бизнинг тизимимизга ҳам тааллуқлидир.

Республикаимизда бугунги кунда логопедик ёрдамни ташкил этиш борасида эришилган маълум ютуқларга қарамай, логопедик жараёни ташкил этувчи сифатли кадрлар таъминотининг етишмаслиги; ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг қисқариши; инклюзив таълим ва махсус таълим билан боғлиқ шаклланган стереотиплар ўртасидаги тафовут сингари муаммолар аниқланди. Республикада логопедик ёрдам тизимининг ривожланишида эришилган ютуқларга қарамай, мазкур тизимни такомиллаштириш имконияти ва зарурияти мавжуд. Мактабгача, мактаб ёшидаги болалар, ўсмирлар ва катталарга логопедик ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш: нутқ нуқсонлари, икки тиллилик ҳолатларини ҳисобга олиш; мутахассисларнинг сифатли ва ўз вақтидаги ёрдамни ташкил этиш ҳолатларида амалга ошиши мумкин, деб тахмин қиламиз. Республикада болаларга логопедик ёрдам кўрсатиш борасида қатор қийинчиликлар кузатилиб, улар орасида логопедик ёрдам кўрсатувчи муассасалар сонининг ёрдамга муҳтож болалар сонига мос келмаслиги етакчи муаммолардан ҳисобланади. Шунингдек, коррекцион иш самарадорлиги маълум даражада мутахассислар (тарбиячилар, логопед-ўқитувчилар) малакасини оширишга, жумладан, таълимнинг интерактив шакллари киритиш орқали улар томонидан мақсадли, муаммоли ва малакавий курсларни ўташга боғлиқ[16]. Замонавий босқичда логопедик ёрдам самарадорлиги таҳлилига доир тадқиқотлар мазкур ёрдамнинг етарли эмаслигини, яъни, унга муҳтож болаларни қамраб олмаслигини кўрсатди[15,16].

Тадқиқот давомида махсус ёрдамни кўрсатишга доир Хитой, Германия, АҚШ, Россия давлатлари тажрибаси ўрганилди. С.Н.Шаховская хорижда махсус таълим ривожланишининг икки йўналишини ажратиб кўрсатади: нуқсон даражаси ва шаклларига кўра тизим дифференциацияси ҳамда турли нуқсонларга эга бўлган болалар инклюзияси.[11,12, 14] Хориж олимлари каби, юртимиз олимлари ҳам турли давлатлар

махсус таълимида кўплаб умумий муаммолар мавжудлиги, бироқ мазкур муаммолар ечимига бўлган ёндашув турли эканлиги борасида ҳамфикрлар. Логопедик ёрдамни такомиллаштириш мақсадида коррекцион ишларда нутқий нуқсонларни бартаараф этишнинг анъанавий ва ноанъанавий усулларини, жумладан, АКТ таълимни қўллаш имкониятлари кенгаймоқда [15]. Тадқиқотчилар ҳар бир ҳудудда болаларга логопедик ёрдамнинг самарадорлигини оширишнинг хусусий йўллари излаш зарурати борасида умумий фикрдалар. Республикамизда логопедик ёрдам 1943 йилдан эътиборан амалга оширилиб, Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида эшитишида, кўришида ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаб-интернат ташкил этилган (эндиликда кўришида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган 77-сонли мактаб-интернат). 1969 йилларнинг охирида нутқида нуқсони бўлган болалар учун логопедик нутқий мактабгача таълим муассасалари ташкил этила бошланган [19].

Тошкент давлат педагогика университетининг “Сурдопедагогика”, “Олигофренопедагогика”, “Логопедия” кафедралари томонидан илмий-тадқиқот ва ташкилий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Нутқ нуқсонига эга бўлган шахсларни ташхис қилиш, уларга коррекцион-тарбиявий таъсир кўрсатишнинг илмий асосланган методикалари мунтазам равишда ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда [16].

Сўнгги йилларда болалар, ўсмирлар ва катталар орасида нутқ нуқсонларининг ортиб бораётгани, унинг мураккаб ва комбинациялашганлиги кузатилмоқда.

Логопедик ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилмаслиги билиш жараёнларининг ривожланишига, шахс шаклланишига таъсир кўрсатиб, нутқ нуқсонига эга шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга муваффақиятли интеграциясига тўсқинлик қилади.

Бироқ республика аҳолисига логопедик ёрдам кўрсатишни ташкил этишда қатор камчиликлар мавжуд: жойлардаги соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари томонидан қишлоқ, шунингдек шаҳар аҳолисига логопедик ёрдам кўрсатишнинг барча имкониятларидан фойдаланилмаслиги; логопедик ёрдамни ташкил этишдаги муҳим камчилик сифатида “хавф” гуруҳига мансуб болалар билан эрта коррекцион ишларнинг амалга оширилмаслиги; таълим муассасаларида бўлгани каби, соғлиқни сақлаш тизимида қарашли муассасаларда текширувни амалга оширишдаги комплекс ёндашув ва логопедик ёрдам кўрсатишнинг талаб даражасида ташкил этилмаганлиги; ТППК фаолиятининг талаб даражасида амалга оширилмаслиги (шифокор мутахассис, педагогларнинг тез-тез алмаштирилиши, гуруҳли фаолиятнинг амалга оширилмаслиги, инклюзив таълимни ташкил этиш методикасини амалга оширишга доир тажрибанинг етишмаслиги).

Асаб касалликлари шифохоналари, республика, вилоят, шаҳар онкология марказлари ва бўлимларида логопед мутахассислар фаолият кўрсатмаслиги боис, инсултдан кейинги беморларни касаллик кечишининг ўткир даврида кўрикдан ўтказиш ва улар билан коррекцион-тикловчи тадбирлар амалга оширилмапти, бу эса ўз навбатида афазия ташхисига эга бўлган, операциядан олдин ва кейинги даврда ларингоэктома жарроҳлик амалиёти амалга оширилган беморларга ўз вақтида логопедик ёрдам кўрсатилмаслигига олиб келмоқда.

Логопедик кабинетларнинг моддий-техник базаси замонавий талабларга жавоб бермайди: соғлиқни сақлаш тизимида логопед мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда оғир нутқ нуқсонига эга бўлган болаларга логопедик ёрдамни такомиллаштириш бугунги кун талабидир.. Бугунги кунда мамлакатимизда нутқ нуқсонларига эга болаларга кўрсатиладиган ёрдам тизими яратилган бўлиб, мазкур тизим доимий такомиллашиб бормоқда. Логопедик ёрдам хусусий секторда таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишида амалга оширилмоқда. Нутқ нуқсонига эга бўлган болалар тоифалари таркибига кўра полимиорф бўлиб, улар турли-тумандир. Нутқ нуқсонлари турлича этиология ва патогенезга эга бўлиб, бирламчи нуқсонлар билан бир қаторда иккиламчи

нуқсонлар ҳам кузатилиши мумкин.

Биз томондан логопедик ёрдамни таҳлил этишда суровнома ишлаб чиқилиб, уни баҳолаш мезонлари ҳам белгиланди: мактабгача таълим, халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликлари тизимида, ижтимоий таъминот агентлигида, шунингдек, нодавлат секторда логопедик ёрдамни кўрсатувчи муассасаларнинг мавжудлиги; уларда логопедик ёрдамни ташкил этилиши; нутқ нуқсонларининг тарқалганлиги ва уларнинг характери; болаларнинг логопедик ёрдам билан қамралганлиги; логопедик муассасаларнинг кадрлар билан таъминланганлик даражаси; логопедик ишлар самарадорлиги; логопедик амалиётда мавжуд муаммолар (объектив ва субъектив кўрсаткичларга кўра) ўрганилди; логопед-ўқитувчиларнинг иш режалари, ҳисоботлари, шунингдек, тегишли идораларнинг статистик маълумотлари асосида хулосага келинди.

Тадқиқот натижасида турли ташкилотларда фаолиятни амалга ошираётган логопед-ўқитувчилар ишида номувофиқликлар аниқланди, бу ўз навбатида болаларга логопедик ёрдам кўрсатишга доир ишлар самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижалари асосида нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ҳолатларининг кўпайиб кузатилишини биз қуйидаги сабаблар билан изоҳлаймиз: ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳолининг қуйи маданий даражаси (айниқса, қишлоқ жойларида), экологик ва иқлим шароити. Республикада логопедик ёрдам асосан логопедик гуруҳларда амалга оширилади. Қишлоқ жойларида логопедик ёрдамни кўрсатувчи муассасалар тармоғи нисбатан кам ривожланган, бироқ уларни ривожлантиришга эҳтиёж мавжуд. Экспериментал тадқиқот аввалида биз томондан логопед-ўқитувчилар фаолиятидаги муаммолар сўровнома усулида ўрганилди. Мазкур муаммолар сирасида қуйидагилар қайд этилди: логопедик гуруҳлардаги тарбияланувчилар сонининг меъёрдан ортиши; услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги; ташхис билан боғлиқ муаммолар. Сўровнома натижалари логопед-ўқитувчиларнинг логопедик ишларни амалга оширишга бўлган касбий тайёргарлик даражаси юқори эмаслиги аниқланди. Республикада логопедик ёрдам кўрсатиш ҳолатини ўрганиш натижалари логопедик ёрдамни амалга оширувчи мавжуд муассасалар тармоғи ёрдамга муҳтож болаларнинг барчасини қамраб олиш имконига эга эмаслиги ва уларни кенгайтириш эҳтиёжининг мавжудлигини; Республика логопед-ўқитувчилари ўз фаолиятлари жараёнида иш самарадорлигига таъсир қилувчи қийинчиликларга дуч келишларини кўрсатди. Буларнинг барчаси логопедик ёрдам тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Логопедларни олий таълимдан кейинги босқичида касбий малакасини ошириш нодавлат “LOGOS” ўқув марказида семинар ташкил этилиб борилмоқда. Ўқитишдан кўзланган мақсад логопедларни касбий билим, малака ва кўникмаларини такомиллаштириш, янги технологиялар билан қуроллантириш, малакасини ошириш, болалар билан логопедик ишларни ташкил этиш давомида маслаҳат-методик ёрдамни кўрсатишдан иборат бўлди. Тингловчилар илғор педагогик тажриба билан танишдилар, методикага доир тавсияларни олдилар, лойиҳавий фаолият малакаларини эгалладилар: шахсга йўналтирилган қисқа дастурлар асосида болалар билан амалга ошириладиган коррекцион иш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи индивидуал дастурлар моделини тузишни ўргандилар, ташкил этилган интернет-маслаҳатлар орқали ўқитишнинг интерфаол шакллари ўзлаштирдилар. Экспериментал тадқиқот жараёнида биз томондан 72 соатга мўлжалланган “Логопед-ўқитувчи коррекцион ишини такомиллаштириш” мавзуси асосида ташкилий-фаолият дастури ишлаб чиқилди.

Дастурни тузиш логопед-педагогларга бир томондан барча учун бирдек муҳим бўлган лойиҳавий фаолият малакасини эгаллаш имконини берган бўлса, иккинчи томондан, фаолиятларидаги энг аҳамиятли муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш йўллари мустақил излаш имконини берди. Тингловчиларнинг истакларига кўра улар учун 2021 йилда таълимнинг масофавий шакли ҳам ташкил этилди (2021 йилда мазкур таълимни 78

нафар тингловчи ўзлаштирди). Шу тарзда, тингловчилар билан турли шаклларда ташкил этилган таълим курс давомидаги каспий малакаларини самарадорлигини ошириш имконини берди, демакки, нутқида нуқсонли бор болалар билан амалга ошириладиган коррекцион-логопедик иш самарадорлигини ошириш имконини бериб келмоқда [16,17,18, 20]. LOGOS ўқув маркази шароитида логопед-ўқитувчиларга услубий ёрдам бериш ва каспий малакасини оширишда давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишни тақозо этади.

Хулоса: илмий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар таҳлили асосида республикамызда болаларга логопедик ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатишга доир маълум ютуқлар аниқланди; мазкур тизимни такомиллаштириш, нутқий нуқсонларнинг тарқалганлиги ва миллий-худудий хусусиятларни эътиборга олиб мазкур ёрдам кўрсатишнинг янги шаклларини излаш зарурияти ва имкониятлари илмий жиҳатдан асосланди ва экспериментал тасдиқланди. Архив ҳужжатларини ўрганиш асосида республикамыз логопедик ёрдамнинг ташкил этилиш тарихи тавсифланди. Республикада энг кенг тарқалган нутқий нуқсон нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги эканлиги, мазкур ҳолат ҳудудларнинг марказдан четда жойлашганлиги, логопедик билимларнинг етарлича тарғиб этилмаслиги, икки тиллиликнинг мавжудлиги билан янада мураккаблашади. Бу мактабгача таълим ташкилотларининг логопедик гуруҳларида болаларга коррекцион ёрдамни кўрсатиш заруриятини шунингдек, ёрдамнинг янги шаклларини излаш заруриятини асослайди.

Тадқиқот давомида ҳудудларда логопедик ёрдамни ташкил этишнинг қатор ўзига хосликлари аниқланди. Мазкур ўзига хосликлар сирасида нутқий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар сонининг ортиши, уларда мавжуд нуқсонларнинг мураккабланиши мавжудлиги белгиланди. Бу дифференциал ташхисни мураккаблаштиради ва коррекцион ишнинг махсус усулларини шунингдек, болаларга логопедик ёрдам кўрсатишнинг янги шаклларини излашни талаб этади.

Тадқиқотлар нутқий нуқсонга эга бўлган болаларнинг аксарияти муассасаларнинг етарли эмаслиги боис логопедик ёрдамни олиш имкониятига эга эмасликларини кўрсатди. Логопедик ёрдам кадрлар билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги боис етарлича самарали эмас (аксарият логопедлар махсус таълимни эгалламаганлиги).

Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот логопедик таъсир самарадорлигини ошириш мақсадида нутқий нуқсонларни коррекциялашга комплекс ёндашувни амалга ошириш заруратини кўрсатди. Логопедик таъсир самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ:

- нуқсон характери ва даражаси;
- логопедлар малакасининг даражаси;
- мутахассислар жамоаси фаолиятидаги узлуксизлик;
- коррекцион ишда комплекс ёндашувни ташкил этиш;
- коррекцион жараёнда ота-оналарнинг иштироки;
- услубий таъминотнинг мавжудлиги ва унинг сифати.

таълим муассасалари учун кадрларни (логопед-ўқитувчилар) тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Хулоса қилиб қуйидаги қисқача тавсиялар билан мақолани тугатмақчимиз. Ривожланишида камчилиги бор болаларнинг барча ёшда нутқ, билиш фаолияти, эмоционал-иродавий соҳаларидаги нуқсонларни бартараф этиш логопедик ёрдамни сифатли, бугунги кун талаби асосида такомиллаштириш ва бу тизимда логопед, тиббий ходим, тарбиячи, психолог ва ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали таъминланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 39 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги

“Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 256-сонли Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 380-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766). 70 модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 38.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 11 декабрь, 49-сон, 1195 модда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т., 2007. – 92 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 12-сон.

7. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (Юнисеф). – Т., 2014. – 54 б.

8. Вакуленко. Л. С. Организация взаимодействия учителя-логопеда и семьи. - СПб.: Детство-Пресс, 2011. - С. 67-160.

9. Грибукова О. Г. Подготовка будущих логопедов к работе с родителями, имеющими детей с нарушениями речи // Научно-методический электронный журнал «Концепт». - 2018. - № V8. - 0,5 п. л. - URL: <http://e-kon-sept.ru/2018/186071.htm>.

10. Долгих Н.К. Совершенствование коррекционной работы логопеда детского сада. / Н.К.Долгих // Гуманистические основы современной образовательной парадигмы: теория и практика: Сб. науч. статей. – Абакан: отдела издательской деятельности «Роса» ХРИПКИПРО, 1999. – С. 138-141.

11. Логопедия: методические традиции и новаторство/Под ред. С.Н.Шаховской, Т.В.Волосовец. – Москва-Воронеж, 2003.

12. Логопедия. Методическое наследие: Пособие для логопедов и студентов дефект факультетов педвузов. М., 2006. логопедии / Под ред. Волковой Л.С., С.Н. Шаховской

13. Лопатина Л.В. Логопедическая работа с детьми дошкольного возраста. – СПб.: РГПУ им. А.И. Герцена, изд-во «Союз», 2004. – 192 с.

14. Мўминова Л.Р. Нутқ камчиликлари: бартаграф этиш технологиялари. – Тошкент, 2017. – 66 б.

15. Муминова Л.Р., Нуркельдиева Д.А. Актуальные проблемы современной специальной педагогики находящиеся в сфере внимания современных ученых и практиков Узбекистана // Халқороилмий конференция материаллари :» Жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан биргаликда шахс ривожланишининг психологик хусусиятлари» Тошкент, 2021, 509-516 б

16. Мўминова Л.Р., Шомахмудова Р.Ш. Имконияти чекланган болаларни индивидуал коррекцион-ривожлантириш дастурининг методик асослари. – Т., 2007. – 27 б.

17. Филичева Т.Б., Чиркина Г.В. Устранение общего недоразвития речи у детей дошкольного возраста. Практическое пособие. М., 2007.

18. Шомахмудова Р. «Махсус ва инклюзив таълим» ўқув методик қўлланма. Тошкент «Чашма принт» 2011.

19. Хрестоматия по логопедии. / Под ред. проф. Л.С. Волковой, В.И. Селиверстова. Том 1. – Москва: ВЛАДОС, 1997.